

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ**

“Тасдиқлайман”
Ўзбекистон Миллий
университети ректори
А.Р.Марахимов

«30» август 2017 йил

**ИККИНЧИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ОЛУВЧИЛАР УЧУН
ГЕОГРАФИЯ ФАНИДАН
КИРИШ СИНОВИ ДАСТУРИ ВА БАҲОЛАШ МЕЗОНИ**

**(Кириш синовида География фани мавжуд бўлган барча таълим
йўналишлари учун)**

ТОШКЕНТ – 2017

Дастур Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Кенгашининг
2017 йил 30 августдаги 1-сонли мажлисида кўриб чиқилган ва маъқуланган.

Тузувчилар: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ
Геология ва география факультети
География кафедраси доценти в.б.,
география фанлари номзоди Шарипов Ш.М.

Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ
Геология ва география факультети
География кафедраси доценти
география фанлари номзоди Қурбонов Ш.Б.

Такризчилар: Мирзо Улуғбек номидаги ЎзМУ
Геология ва география факультети
География кафедраси доценти в.б.,
география фанлари номзоди Ибрагимова Р.А.

КИРИШ

Мазкур дастур иккинчи олий таълим олиш учун хужжат топширган абитуриентлар учун мўлжалланган бўлиб, Давлат таълим стандартлар асосида тузилган. Дастурнинг биринчи қисми табиий география, иккинчи қисми эса иқтисодий ва ижтимоий географияга бағишланган.

Табиий география қисмида Қуёш системаси, географик қобик ва унинг қисмлари - литосфера, атмосфера, гидросфера, биосфера, ҳамда географик қобикнинг табақаланиши, инсон хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи табиий географик жараёнлар, Ўзбекистон табиий географияси, Ўзбекистон худудининг табиий географик районлаштирилиши, иқтисодий ва ижтимоий география қисмида эса иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий термин ва тушунчалари, Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни ва унинг хўжалик ривожланишига таъсири, Ўзбекистон иқтисодиётининг тармоқлар тузилиши, Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириш, Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси, Дунё сиёсий харитасининг шаклланиши ва ривожланиши, дунё сиёсий харитасида Ўзбекистоннинг тутган ўрни каби мавзулар ўрин олганки, ушбу мавзулар абитуриентлар билимини баҳолашда муҳим ўрин тутди. Абитуриентларнинг билимлари тасдиқланган мезон асосида баҳоланади.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Кадрлар тайёрлаш бўйича кириш имтиҳони абитуриентларнинг география фанининг икки йирик тармоғи ҳисобланган табиий география ҳамда иқтисодий ва ижтимоий география фанларидан билим, кўникма ва малакаларини аниқлаш мақсадида ўтказилади.

Абитуриентлар ихтисосликнинг асосий тушунча, термин, қонуният ва назарияларига оид билимларни қамраб олган саволларга оғзаки жавоб берадилар.

Абитуриент билимига қўйиладиган талаблар

Табиий география

Табиий географиянинг ўрганиш объекти, предмети ва вазифалари. Унинг хўжаликдаги ўрни, амалий аҳамияти. Фаннинг ривожланиш тарихи, Ер юзининг кашф этилиши ва ўрганилиш тарихи.

Қуёш системаси ва Ер сайёраси. Ернинг Қуёш системасидаги ўрни. Ернинг шакли, ҳаракатлари, уларнинг географик оқибатлари. Градус тўри, географик координаталар. Жой плани ва географик хариталар. Азимут. Масштаб. Жойнинг топографик плани. Географик харита.

Литосфера-Ернинг тош қобиғи (ер пўсти). Ернинг ички тузилиши. Ернинг тош қобиғи, Ер пўсти. Ер юзи рельефини ҳосил қилувчи ички ва ташқи жараёнлар.

Атмосфера-Ернинг ҳаво қобиғи. Ҳаво қобиғининг таркиби, тузилиши. Ернинг радиация баланси. Альбедро. Ҳаво ҳарорати. Ҳаво босими ва шамоллар. Об-ҳаво ва иқлим. Иқлим минтақалари, турлари.

Гидросфера- сув қобиғи. Гидросферанинг таркибий қисмлари. Дунё океани. Қуруқликдаги сувлар. Дарёлар, кўллар ва музликлар. Ботқоқликлар. Ер ости сувлари.

Биосфера-ҳаёт қобиғи. Биосфера, унинг таркиби. Табиатдаги ўрни. Биосферага таъсир кўрсатувчи омиллар. Организмлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар. Биосферага инсон таъсири.

Географик қобиқ. Умумий хусусиятлари, чегаралари. Горизонтал ва вертикал табақаланиши. Умумий географик қонуниятлар. Табиат комплекслари. Ер юзини табиий-худудий районлаштириш.

Инсон хўжалик фаолиятига таъсир кўрсатувчи табиий географик жараёнлар. Табиий географик жараёнлар. Денудация. Эрозион жараёнлар. Жарланиш ва ирригация эрозияси. Гравитацион жараёнлар. Тупроқнинг шўрланиши, қатқалоқ ҳосил бўлиши, ботқоқланиш жараёнлари.

Ўзбекистон табиий географияси. Ўзбекистоннинг географик ўрни, геологик тузилиши, рельефи ва орографияси, иқлими ва гидрографияси, тупроқлари, ўсимлик ва ҳайвонот олами, уларнинг географик тарқалишидаги хусусиятлар.

Ўзбекистон ҳудудининг табиий географик районлаштирилиши. Ўзбекистоннинг табиий географик районлаштирилиши. Текислик ва тоғолди-тоғ кичик провинциялари, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ва тафовутлари. Текислик кичик провинцияси округлари: Устюрт, Қуйи Амударё, Орол, Қизилқум, Қуйи Зарафшон. Тоғ олди-тоғ кичик провинцияси округлари: Фарғона, Чирчиқ-Оҳангарон, Мирзачўл, Ўрта Зарафшон, Қашқадарё, Сурхондарё.

Иқтисодий ва ижтимоий география

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг тадқиқот объекти ва предмети. Мақсад ва вазифалари. Унинг фанлар тизимида тутган ўрни ва амалий аҳамияти. Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг шаклланиши ва ривожланиш хусусиятлари.

Иқтисодий ва ижтимоий географиянинг асосий термин ва тушунчалари. Худудий меҳнат тақсимооти. Ихтисослашув. Иқтисодий районлар. Худудий ишлаб чиқариш мажмуалари. Иқтисодий географик ўрин.

Ўзбекистон Республикасининг географик ўрни ва унинг хўжалик ривожланишига таъсири. Ўзбекистоннинг табиий шароити ва ресурслари. Уларнинг миллий иқтисодий шаклланиши ва ривожланишидаги роли.

Ўзбекистон Республикаси аҳолиси. Аҳоли сони, тадрижий ўзгаришлари ва жойланиши. Аҳолининг таркиби ва такрор барпо бўлиши. Меҳнат ресурслари.

Ўзбекистон иқтисодий тармоқлар тузилиши. Тармоқлараро мажмуалар. Ёқилғи-энергетика, металлургия, кимё, машинасозлик ва метални қайта ишлаш, қурилиш материаллари, ўрмон, ёғочни қайта ишлаш, енгил ва озиқ-овқат саноати. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги. Дехқончилик ва чорвачиликни ҳудудий ташкил этилиши ва ривожланиши. Транспорт ва унинг турлари. Аҳолига хизмат кўрсатиш соҳалари географияси.

Ўзбекистонни иқтисодий районлаштириши. Иқтисодий районларнинг хўжалик ривожланиши хусусиятлари. Тошкент иқтисодий райони. Мирзачўл иқтисодий райони. Фарғона иқтисодий райони. Самарқанд иқтисодий райони. Бухоро-Навоий иқтисодий райони. Қашқадарё иқтисодий райони. Сурхондарё иқтисодий райони. Қуйи Амударё иқтисодий райони. Ўзбекистоннинг ташқи иқтисодий алоқалари.

Жаҳон иқтисодий ва ижтимоий географияси. Жаҳон мамлакатларининг табиий шароити ва ресурслари. Жаҳон аҳолиси ва унинг жойланиши. Жаҳон хўжалигининг шаклланиши ва ривожланиши хусусиятлари. Тармоқлар таркиби. Жаҳон саноати, қишлоқ хўжалиги, транспорти. Жаҳон мамлакатлари ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. Глобал муаммолар.

Дунё сиёсий харитасининг шаклланиши ва ривожланиши. Мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига кўра турлари. Минтақалар ва мамлакатларнинг дунё сиёсий харитасида тутган ўрни ва роли. Дунё сиёсий харитасида Марказий Осиё давлатлари ва Ўзбекистоннинг тутган ўрни.

Фойдаланиладиган асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар рўйхати

Раҳбарий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016.- 56 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 48 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

Каримов И.А. Асарлар тўплами 1-24 жилдлар. Т.- “Ўзбекистон”. – 1996-2015.

Асосий дарсликлар ва ўқув қўлланмалар

1. Анна Баттимер. Путь в географии. –М.: Прогресс, 1990
2. Жекулин В.С. Введение в географию. -Л.: ЛГУ, 1989.
3. Забелин И.М. Мудрость географии. -М.: Просвещение, 1986.
4. Марков К.К. ва бошқалар. Введение в физическую географию. -М.: Высшая школа, 1978.
5. Ғуломов П.Н. Инсон ва табиат. -Т.: Ўқитувчи, 1990.
6. Сабитова Н.И. Основы экологии.-Т.: НУУз, 2008.
7. Солиев А.С., Махамдалиев Р. Иқтисодий ва ижтимоий география асослари. – Т. 2005 .

Қўшимча адабиётлар

8. Каримов И.А. Асосий вазифамиз-ватанамиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини янада юксалтиришдир. Т., 2010.
9. Абирқулов Қ. Иқтисодий география. –Т., 2004.
10. Алаев Э.Б. Социально-экономическая география. Понятийно-терминологический словарь. - М., 1980.
11. Асанов Г.Р. Социал-иқтисодий география: термин ва тушунчалар изоҳли луғати. –Т., 1990.
12. Баранский Н.Н. Научные принципы географии. Избр. труды. –М., 1980.
13. Джонсон Р.Дж. География и географы. –Л., 1989.
14. Саушкин Ю.Г., Введение в экономическую географию. - М., 1970.
15. Солиев А., Қаршибоева Л. Иқтисодий географиянинг назарий ва амалий масалалари.-Т., 1999.
16. Солиев А., Назаров М., Қурбонов Ш. Ўзбекистон ҳудудлари ижтимоий-иқтисодий ривожланиши. - Т., 2010.
17. Таштаева С. Мутахассисликка кириш. Ўқув-услубий мажмуа. Т., 2011.
18. Экономическая, социальная и политическая география: мир, регионы, страны. Под. Ред. И.А.Родионовой. М.:Экон.-Информ., 2008.
19. www.bearingpoint.uz
20. www.Ziyo.net
21. ЎзМУ ички тармоғи.
22. www.geogr/msu.ru/GtjSitefdepts geom.html
23. www.MGPU.ru/materials/GEOGRAPH/geologia_s_osn_geomorfologii.

Кириш синови бўйича абитуриентларнинг билимини баҳолаш МЕЗОНЛАРИ

Абитуриентларнинг билимини баҳолаш бўйича кириш синови ёзма иш шаклида ўтказилади ва 100 балли тизим бўйича баҳоланади. Ҳар бир савол варианты жами 4 та саволлардан ташкил топиб, ҳар бир тўғри жавоб 25 балл ҳажмида баҳоланади.

Кириш синовида қирувчиларнинг ёзма жавоблари рейтинг баллари асосида қуйидаги мезонлар асосида баҳоланади:

Ҳар бир савол учун балл	Ёзган жавобга қўйиладиган талаблар
22-25	<ul style="list-style-type: none">- мавзу юзасидан умумлашма хулоса ва қарор қабул қила олса;- мустақил равишда ижодий фикрлай олса;- мустақил мушоҳада юритишга эга бўлса;- олган билимларини амалда қўллай олиш малакасига эга бўлса;- мавзунинг моҳиятини тўлиқ тушуна олса;- мавзунинг барча қирраларидан билиб, айтиб бера олса;- умуман мавзу юзасидан тўлиқ тасаввурга эга бўла олса.
18-21	<ul style="list-style-type: none">- мустақил мушоҳада юритишга эга бўлса;- олган билимларини амалда қўллай олиш малакасига эга бўлса;- мавзунинг моҳиятини тўлиқ тушуна олса;- мавзунинг барча қирраларидан билиб, айтиб бера олса;- жавоб матнида қўпол имловий ёки грамматик хатолари бўлмаган.
14-17	<ul style="list-style-type: none">- мавзунинг моҳиятини тушуна олса;- билиб айтиб бера олса;- умуман мавзу юзасидан тасаввурга эга бўла олса.-жавоб матнида имловий ва грамматик хатолари бўлган.
0-13	<ul style="list-style-type: none">- аниқ тасаввурга эга бўлмаслик;- умуман мавзу юзасидан ҳеч нарса билмаслик- жавоб матнида имловий ва грамматик хатолари кўп бўлганда.

Масъул котиб:

Р. Раҳмонов